

**Захирова Г.М.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети  
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси  
ўқитувчиси

# ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

## **ЗАХИРОВА Г.М. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада миллий иқтисодиётни (ва унинг унсурларини) модернизациялаш зарурати ва глобаллашув жараёнларида келиб чиқсан муаммолар ўрганилди. Республика учун яқин ўн йилларда иқтисодиёт соҳасидаги асосий чақирув жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаш ҳисобланади. Шу боис, мамлакатнинг хомашёга ихтисослашганлиги барқарор ривожланиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошишини таъминлай олмайди. Республиканинг яқин йиллардаги ривожланиши ҳудудий, ресурс салоҳияти, фуқароларнинг ижодий салоҳияти каби асосий рақобатбардош омиллардан фойдаланишга таяниши лозим.

Таянч иборалар: глобаллашув, миллий иқтисодиёт, модернизациялаш.

## **ЗАХИРОВА Г.М. ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И ВОПРОСЫ МОДЕРНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ**

В статье изучаются проблемы, возникшие в процессе глобализации и необходимость модернизации национальной экономики (и её элементов). На предстоящее десятилетие лет основной задачей для республики должно стать освоение достойной ниши в мировой экономике. Специализируясь на сырьевую базу, государство не сможет обеспечить повышению качества и уровня жизни населения. Для развития республики на ближайшие годы нужно пользоваться ключевыми конкурентными факторами как региональный потенциал, ресурсный потенциал и потенциал гражданского творчества.

Ключевые слова: глобализация, национальная экономика, модернизация.

## **ZAHIROVA G.M. GLOBALIZATION AND PROBLEMS OF MODERNIZATION OF THE NATIONAL ECONOMY**

The article deals with the problems arising from the process of globalization and the necessity of modernization of the national economy (and its components). The main task for the country for the next decade is to take its rightful place in the global economy. Specializing on raw material base, the state will not be able to improve the live quality and standard. To the country development in is urgent necessity realization of competition's main factors as a regional potential, resource potential and the capacity of civilians creativity.

Keywords: globalization, national economy, modernization.

**Глобаллашув жараёнига қўшилган иқтисодиёт нуқтаи назаридан юқори модернизациялашга ўтиш шахс ва оммавий алоҳидаликни бирлаштириш ғоясини ўзида мужассамлаштиради. Европача шахснинг вужудга келиши Италияда XIV асрдан бошланди, бу индивидуализмнинг ривожланиши ва билим даражаси билан боғлиқ эди. Бу сифатлар зулм билан курашиш, бойлик ва жамиятда ўқимишли қатламлар шарафи учун қаттиқ рақобатда шаклланди.**

Инсон, давлат ва бозор нисбати жуда мураккаб назарий масала ҳисобланади. Аммо уни бозор ўзгаришлари стратегиясини ишлаб чиқиш ва глобаллашувга жалб қилиш учун изоҳлаш жуда мұхим. Глобаллашув доирасида иқтисодий жиҳатга ижтимоий-сиёсийдан ажратиб қўйиш мумкин бўлмаган иқтисодиёт тури сифатида қараш мумкин. Шу сабабли глобаллашув ва унинг бозор ўзгаришлари билан алоқаларини тушуниш учун соф иқтисодий муаммоларни уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини ҳисобга олиб, тадқиқ этиш зарур.

Глобаллашув – иқтисодий субъектларнинг глобал миқёсдаги ўзаро алоқаларининг кучайиши, буларнинг аҳоли ҳаётининг ҳуқуқий, ижтимоий, демографик, диний ва бошқа томонларига таъсири жараёнидир. Жамият ривожланишининг барчага ва ҳар кимга, бутун жаҳон ҳамжамиятига тааллуқли, оламшумул ҳусусиятга эга муаммолари глобал муаммолар деб юритилади. Ушбу муаммоларнинг сайёрамиз миқёсида ёйилиши ва кейинчалик кескинлашиб бораётгани уларни глобал, давлатлараро ҳал қилиш йўлларини излашни талаб қилмоқда, чунки айрим мамлакатлар, ҳатто айрим давлатлар гуруҳи бунинг учун зарур бўлган улкан куч ва воситаларга эга эмас.

Глобал муаммоларнинг қандай тури бўлмасин, уларни бутун жаҳон ҳамжамиятининг турли ресурслари (моддий, молиявий, меҳнат, технологик, маънавий, интеллектуал, ахборот ресурслари)ни бирлаштиришсиз ҳал қилиб бўлмаслигига олиб келадиган жиddий иқтисодий жиҳатлар мавжуд.

Миллий чегараларни йўқотиш, узвий халқаро иқтисодий ҳамкорликка асосланган, ростмона умумжаҳон иқтисодий тизимини шакллантириш ҳозирги замон иқтисодий ривожланишининг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Иқтисодиётнинг глобаллашуви халқаро иқтисодий ташкилотлар, трансмиллий банклар ва компаниялар, бутун интермиллий пул бирликлари қаторининг пайдо бўлишида намоён бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви алоҳида давлат томонидан амалга ошириб бўлмайдиган технологик ютуқлар билан миллий иқтисодиётларни бойитиш, барча мамлакатларнинг капитал ва меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлиги, халқаро лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ҳисобига бугунги иқтисодий тараққиётга олиб келиши мумкин. Биринчи халқаро коинот станциянинг ташкил қилинишига олиб келган коинотни

ўзлаштириш дастури бундай лойиҳага классик мисол ҳисобланади<sup>1</sup>.

Бошқа томондан, глобаллашув кўпгина муаммоларга ҳам олиб келади, улар орасида қўйидагиларни ажратиш мумкин:

- ривожланган мамлакатлар ва уларнинг йирик компанияларига кам тарақкий этган давлатларнинг иқтисодий тобелиги;
- миллий иқтисодий меъёр ва анъаналарнинг унтуилиши;
- реал маҳсулотлар ва хизматлар бозори эволюциясидан илгарилаб борувчи фиктив капиталнинг гипертрофирлашган<sup>2</sup> ривожланган бозорига эга бўлган жаҳон молиявий «квазииктисодиёти»<sup>3</sup> «нинг вужудга келиши, бу жаҳон иқтисодий инқизорлари, жумладан, сунъий равишда, молия бозорини «бузиш» ҳисобига таҳрорланиш имкониятига олиб келмоқда;

– гиёхванд моддалар, қурол-яроғлар, «жонли товар» экспорт-импорти билан шуғулланадиган фундаменталистик оқимдаги террористик ташкилотлар, халқаро жиноятчилик картеллари ва синдикатларининг пайдо бўлиши.

Глобал иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиши ҳам глобаллашув жиҳатларига киради. Охириги икки асрда инсоният шундай муаммоларга дуч келдики, цивилизациянинг шунчаки гуллаб-яшнаши эмас, балки ер юзида ҳаётнинг давом этишининг ўзи ҳам хавф остида қола бошлади. Бу муаммолар ҳар доим ҳам ўз табиатига кўра, соғ иқтисодий муаммолар ҳисобланмайди,

<sup>1</sup> Қобулов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси IV академияси, 2013. –621-629-6.

<sup>2</sup> Ҳаддан ташқари кенгайган (изоҳ муаллифники).

<sup>3</sup> Қалбаки иқтисод.

балки уларнинг ҳаммаси кўп ёки кам дарражада иқтисодий жиҳатларга ҳам эга<sup>4</sup>.

Глобал муаммоларнинг таркиби ва роли жамият ривожланишининг айрим босқичларида ўзгариб туради. Табиий омиллар билан боғлиқ кўплаб глобал муаммолар – табиий оғатлар (зилзила, тошқин, тўфон, бўрон ва ҳ.к.), қуёш ва ой тутилишлари, метеорит ёмғирлари, магнит бўронлари жуда қадимдан мавжуд.

Ҳозирги глобал муаммолар кўп жиҳатдан инсониятнинг аввалги бутун фаолияти, умуман, жамият ривожланишининг натижасидир. Глобал муаммоларнинг инсоният ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларига салбий таъсирлари кучайиб бораётгани, уларни ҳозирги босқичда ва келажакда ҳал қилиш борасидаги қийинчиликлар фан-техника тараққиёти асосидаги иқтисодий ўсиш суръатларининг катталиги билан боғлиқ. Ҳозирги вактда қирқقا яқин глобал муаммолар мавжуд бўлиб, улар ичida асосийларини экологик, демографик, озиқ-овқат, қуролланиш, ядро қуролини тарқатмаслик ва ядро урушининг олдини олиш, халқаро хавфсизлик ташкил қиласиди.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиёти шаклланишининг алоҳида боғловчи омили – барчага тааллуқли бўлган ҳамда кўплаб ёки барча мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг жами маблағларини жалб этиш ва давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик орқали ҳал қилинадиган инсониятнинг глобал муаммолариdir. Глобал муаммоларнинг ўзига хос жиҳатини уларнинг универсал хусусияти ташкил

<sup>4</sup> Қобулов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси IV академияси, 2013. –630-6.

қилади, чунки улар ҳозирги замон цивилизациясининг натижасидир.

«Жамият-табиат» тизими иқтисодий муаммолари инсониятнинг уни юзага келтирган муҳитга мос бўлмаган муносабати туфайли вужудга келди. Асосий муаммо инсонлар яшаш табиий муҳитининг аста-секин бузилишидан иборат экологик муаммо ҳисобланади. Кишилар фаолияти билан келиб чиқадиган ҳаво ва сув ресурсларининг ифлосланиши, ўрмонларнинг кесилиши, тупроқ эрозияси, овланадиган ҳайвонлар алоҳида турларининг йўқолиб кетиши – буларнинг ҳаммаси унинг айrim таркибий қисмларидир, холос.

Экологик муаммолар билан боғлиқ бошқа муҳим муаммо ресурсларнинг тугаши муаммоси ҳисобланади. У инсон томонидан фойдали қазилмалар барча турлари истеъмолининг ўсиши натижасида юзага келди. Фойдали қазилмаларнинг айrim турлари ер юзида жудаям кам қолди ва истеъмолнинг мавжуд суръатлари сақланиб қолган шароитда улар XXI асрнинг охиригача тугаб битади.

Ижтимоий муаммолар ичida глобал муаммолар жамиятнинг ўз-ўзини қониқарсиз ташкил қилиши билан боғлиқ. Улар инсоният цивилизациясининг ички зиддиятлари тугатилгандагина ҳал қилиниши мумкин. Глобал иқтисодий муаммолар тарихий тавсифга эга, турли даврларда улардан бирининг аҳамияти ошади ва бошқалари, янгиларининг ёки яхши унутилган эски, масалан, юқумли касалликлар муаммоларининг салмоғи камаяди.

Озиқ-овқат муаммоси қолганлари орасида энг узоқ тарихга эга. Даврий равишда у инсоният ривожининг барча босқичларида юзага келди. Бун-

да озиқ-овқат ишлаб чиқариш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг имкониятлари ҳозирги вақтда бутун ер юзи аҳолисини боқиш учун етарли. Охирги ўн йилларда бу муаммони фақат энг ривожланган мамлакатларда тўлиқ ҳал қилишининг уддасидан чиқилди. Бироқ мамлакатлар ва минтақалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг нотекис тақсимланиши шунга олиб келадики, Ер юзида очарчилик ҳиссини ҳозирги вақтда 600 млн дан 700 млн гача аҳоли бошдан кечирмоқда<sup>1</sup>.

Глобал демографик муаммо ҳалқаро ишчи кучи миграцияси билан узвий боғлиқ, чунки бир мамлакатда яшовчиларнинг етишмаслиги ва бошқасида ортиқчалиги кўпинча аҳолининг ўзига хос «оқиб ўтишига» олиб келади. Масалан, баъзи Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари аҳолисининг ўсиш тенденцияси ва Россия ҳудудларида аҳолининг сийрак жойлашганлиги у ерга ишчи кучи миграциясининг ўсиши билан қопланмоқда. Демографик муаммолар бошқа қатор глобал муаммолар билан, масалан, озиқ-овқат, камбағалликни тугатиш, инсон салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқлиги жуда узвий ҳисобланади. Кам тараққий этган мамлакатлардаги демографик портлаш очлар, камбағаллар сонининг камайишига ёки аҳоли маълумот даражасининг ўсишига ёрдам бермайди.

Ҳалқаро бозорларга чиқиш ва чет мамлакатлар билан савдо муносабатларининг кенгайиши корхоналарнинг турли эҳтиёжлари билан белгиланади:

<sup>1</sup> Григорьев О.В. Глобализация, модернизация национальной экономики и развитие малого предпринимательства. // Гуманитарный вестник МГТУ им. Н.Э.Баумана. М., 2013, вып. №6. –С. 3.

- ички бозорнинг ривожланиши (бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши, рақобатчилар босимининг кучайиши);
  - айниқса, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, капитал қайтими, нархлар, сифат масалаларида воситачилик савдосига боғлиқликнинг ўсиши;
  - атроф-муҳит муҳофазаси, ижтимоий қонунчиликка риоя қилиш қийинчиликлари билан боғлиқ йиғимларнинг ўсиши, бунда капиталларни четга чиқариш фойдали бўлади;
  - чет эллик рақобатчиларнинг фаоллиги ва унинг ички бозорлардаги муваффақияти ҳалол рақобат усулларини қўллаган ҳолда ўз йўлини излашга мажбур қиласди (бу ўз обрўсини керакли даражада ушлаб туриш зарурати билан боғлиқ эмас);
  - ички бозорга боғлиқликни тугатиш ва хорижий бозорларни эгаллаш йўли билан хатарларни «тақсимлаш»;
  - мавжуд ва қўшимча равишда яратиладиган қувватларни юклашнинг ошиши;
  - иш ҳақи, хомашё, транспорт харатлари улушларининг камайиши, хусусан, ишлаб чиқаришнинг турли шаклларидан чет элда фойдаланиш, жумладан, ички бозор учун тегишли нарх имтиёзларига эга бўлган реимпорт йўли билан солик тўловларини пасайтириш;
  - хўжалик субъектлари ўз мамлакатида ёки кўчиб борган мамлакатида қабул қилинган ёрдам кўрсатиш давлат дастурларидан фойдаланиши;
  - тегишли мамлакатларда қисман ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил қилиш йўли билан валюта курси тебранишларини қоплаш;
  - маълум чет эл бозорларида, масалан, чет эл фирмалари билан шериклик шаклида давомли ўзгаришлар шароити-да мумкин бўлган ноу-хаудан фойдаланиш;
  - узоқ муддатли муваффақиятли савдо ва мос равишда, иқтисодий ўсишни таъминлаш;
  - хатарларни катта ҳажмларда тақсимлаш, уларнинг бир қисмини чет эл фирмаларида амалга ошириш йўли билан унинг умумий даражасини пасайтириш;
  - алоҳида буюмлар ва уларга бутловчи жиҳозларни чет элда ишлаб чиқаришга ўтказиш йўли билан ўз мамлакатидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун юқори малакали кадрлар, ходимларни қайта йўналтириш;
  - нарх сиёсатини барқарорлаштириш ёки ички ва маҳсулот миқдорига нисбатан дегрессия (камайтириш) қўлланиладиган чет эл бозорларида уни амалга ошириш доираларини кенгайтириш.
- Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва жаҳон кўламидаги сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар жараёнларнинг ўсиб борувчи синхронлашуви республикаларни ривожлантиришнинг тубдан янги жиҳатини яратади, бунинг учун янги имкониятлар очилади ва ташқи жойлаштириш учун ҳам, ички ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳам янги чақиравлар намоён бўлади.
- Ташқи даъватлар – бу давлат ва нодавлат субъектлари томонидан хавфсизлик, жаҳон молиявий инқизорозининг мамлакат иқтисодиётига таъсири, мамлакатнинг ҳалқаро бозорлар ҳолатига боғлиқлиги хавфлари бўлиб, айнан улар кўпроқ «глобаллашув оқибатлари» тўғрисидаги мунозаралар обьекти бўлиб қолади. Бироқ ички даъватлар кам аҳамиятга эга эмас, республика шароити учун ҳатто катта аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт соҳасида яқин ўн йиллар ичидағи асосий даъват Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялаш зарурати ҳисобланади. Хомашёга ихтинослашиш яшаш даражаси ва сифатини барқарор ўстиришни ҳам (шу боисдан барқарор, ташқи конъюнктурага боғлиқ бўлмаган ресурс манбаларини бермайди), янги турмуш тарзини шакллантиришни ҳам таъминлай олмайди.

Мамлакатнинг ривожланиши учта асосий рақобат устунликлари<sup>1</sup>: фуқароларнинг ресурс, ҳудудий ва ижодий салоҳиятидан фойдаланишга таяниши лозим. Фақат биринчи гуруҳ ҳозирча фаол ҳаракатланмоқда. Ҳудудий салоҳиятдан фойдаланиш учун инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббускорлигини рўёбга чиқариш шароитларини яратиш, хизматлар соҳаси (ахборот, транспорт, сайёхлик)даги қолипларни ўзgartариш лозим.

Фуқароларнинг ижодий салоҳиятлари ни долзарблаштириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий шароитларни ҳам, яъни ижод эркинлиги ва унинг интеллектуал мулк шаклидаги натижаларининг ҳимояланганлиги, ижтимоий алоқалар ва жамиятдаги ишончнинг ривожланганлиги, қулай ва сифатли таълим, самарали амал қиласиган суд тизимини таъминлайди. Бу шароитларнинг таъминланиши ривожланиш стратегиясининг муҳим унсури бўлиши керак.

Янги мингийилликада республикамизда турли ривожланиш сценарийларида ги тажриба натижаларини баҳолаш учун етарли вақт мавжуд. Бир томондан, ресурс бойликларини истеъмол қилишнинг инерцион-оммавий сценарийлари узоқ

муддатли миллий устуворликлар зарарида қисқа муддатли вазифаларни ечишдан нарига ўтмайди. Бошқа томондан, иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг реал механизмлари сиёсий тизим, иқтисодиёт ва жамиятни умумқамровли институционал модернизациялаш билан боғлиқ.

Фақат шу вазифаларнинг ҳал қилиниши республикани янги илмий-техник ва ижтимоий-маданий ғояларни ҳаракатлантириш ва қоплашга лаёқатли интеллектуал-маданий етакчилар қаторига олиб чиқа олади. Модернизациялаш стратегиясининг мазмуни мамлакат рақобат устунликларидан фойдаланиш асосида инновацион ривожланишни таъминлайдиган механизмлар кенг ижтимоий ташкилотларини яратишдан иборат.

Бунинг учун ижтимоий бойликни тақсимлаш эмас, балки уни яратиш бўйича унумли фаолиятга йўналтирилган қоидаларни шакллантириш ҳисобига бизнес ва нотижорат ташкилотларини ривожлантириш учун қулай институционал муҳитни яратиш зарур. Давлат ҳам ресурс ва ҳудудий устунликлардан, ҳам фуқароларнинг ижодий салоҳиятидан юқори даражада ва тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш – молиявий, илмий-таълим, ахборот, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларнинг илгарилаб ривожланишига кучларини жамлаши зарур.

Бугунги кунда мавжуд муқобиллардан фақат модернизациялаш стратегияси мамлакат аҳолисининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш ҳамда турмуш сифати замонавий талабларига жавоб берадиган ҳудудларни ўзлаштиришни тўла ҳажмда таъминлаш имконини беради. Фақат модернизация-иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2015, 5

<sup>1</sup> Порттер М. Конкуренция. – М.: "Вильямс", 2005. – С. 342.

лашгина, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизим амал қилиши танқидий күрсаткичлари сақланиб қолғанда, мамлакатнинг ривожланиш стратегик мақсадларига эришишни кафолаттай олади.

Глобаллашув, модернизациялаш ва рақобатбардошлик бизнинг фикримизча, миллий иқтисодиётнинг эволюцион ривожланиш жараёнларини белгилайдиган ва унинг унсурларини шакллантирадиган учта ўзаро боғлиқ ва ўзаро бирбирини тақозо этадиган тушунчалардир. Назарияда модернизациялаш деганда, саноатлаштириш, урбанизация, сиёсий ҳокимиятга ваколатли умумий таълим тизимининг вужудга келиши, «анъанавий ёпиқ жамиятга» қарама-қарши ўлароқ, «ҳозирги замон очиқ жамияти»нинг шаклланишига олиб келадиган макон ва ижтимоий ҳаракатчанликнинг кучайиши тушунилади.

Модернизациялаш жараёни доирасида қуйидаги ўзгаришлар юз беради:

- ижтимоий муносабатлар бутун тизими니 такомиллаштириш ва турмуш тарзини ўзgartириш, яъни низоларни тартибга соладиган ва ижтимоий муаммоларни ҳал қиласиган тартибот ва механизmlарнинг пайдо бўлиши;

- ногиронлар мустақиллиги ва тафаккурининг ўсиши;

- иқтисодиёт соҳасида – товар-пул муносабатларининг кенг тарқалиши, янги, илғор технологияларнинг пайдо бўлиши, менежерлар ва ёлланма ишчилар касбий ихтисослашувининг юқори даражасига эришиш;

- ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши – иммобиль (қотиб қолган) табакачиликка асосланган жамиятдан юқори ижтимоий ҳаракатчанлик ва рақобатга асосланган динамик жамиятга ўтиш.

Модернизациялаш жараёнининг тавсифлари қаторида яна қуйидагиларни ҳам ажратиш лозим:

- мажмуавийлик, шу сабабли у жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади;

- тизимлилик, чунки жамият ҳаётининг исталган унсури ёки бутун соҳасининг ўзгариши бошқаларининг (маданий ва сиёсий ўзгаришлар) ўзгаришига олиб келади;

- глобал тавсифи – Ғарб мамлакатларидан бошланиб, сўнgra у бутун дунёга тарқалади;

- масофавий тавсиф – модернизациялаш бир соатда юз бермайди, балки босқичларга бўлинади (ислоҳотчилик катламининг пайдо бўлиши, ислоҳотлар йўналишларини белгилаш, улар натижаларининг тарқалиши ва мустаҳкамланиши);

- табақалашган, аммо бир турли ва тўғри чизиқли бўлмаган тавсиф – турли мамлакатларда модернизациялаш турлича кечади, миллий маданият ва аҳлоқ анъаналарини ҳисобга олади ҳамда уларга суюнади (масалан, «япон иқтисодий мўъжизаси»), Ғарб ва Европа қадриятлари фойдасига ўз анъаналаридан воз кечишни талаб қилмайди.

Модернизациялашга бўлган эҳтиёж, биринчи навбатда, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг катта сони бугунги кунда «нарх ва сифат» ночорлигига амал қилаётганлиги, республика аҳолиси харид лаёқатининг ошиши шароитида рақобатбардош эмаслиги билан белгиланади. Охирги вақтларда аҳоли турмуш даражасининг ўсишига мувофиқ, бу тенденция яқин ва узоқ хорижий мамлакатлардан импортнинг ўсиши кўринишида намоён бўлмоқда.

Меъёрида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун (республика саноат корхоналари асосий ускунала-рининг эскирганлигини ҳисобга олиб) сифат жиҳатдан янги технологиялар ишлаб чиқарилиши лозим. Айнан шу шартлар республика саноатининг жадаллашган модернизациялаш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунингиз 3- ва 4-иқтисодий укладлардан 5- ва ундан кейинги, юқори даражада индустрлашган жамият укладларига ўтишни таъминлаш мумкин эмас<sup>1</sup>.

Ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози ривожланган мамлакатларда реиндустрлаштириш муаммосини келтириб чиқарди. Инқироз шароитида жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши ишлаб чиқарувчиларни тезкор суръатларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг усуслари ҳамда янги технологияларини жорий этишга мажбур қилмоқда. Энг асосийси, ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларини тиклаш ва инқирозгача бўлган давр даражасига эришишларини таъминлаш ҳамда рақобатбардошлиликни ошириш учун янада янги, юқори технологияларни жорий этишлари талаб қилинмоқда. Бу эса АҚШ, Фарбий Европа давлатлари, Япония, Ҳиндистон ва Бразилия каби мамлакатларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Иқтисодиётда тикланиш суръатларининг пастлиги сабабли ишлаб чиқаришнинг ишчи кучи арzon мамлакатларга кўчирилиши эҳтимоли ошмоқда.

<sup>1</sup> Маълумки, жамият иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, анъанавий жамият, ўткинчи жамият, индустрялашган жамиятга ўтиш даври, индустрялашган жамият, «оммавий истеъмол» жамиятига ажратилади.

Инвестициялаш учун қулай халқаро муҳит шароитида республикамиз саноатида технологик модернизациялашнинг қўшимча имкониятлари пайдо бўлмоқда. Бу жараёнларнинг республикамиз иқтисодиётига таъсири ҳақида тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримов жумладан шундай дейди: «Бугунги кунда дунёning турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидағи вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этा�ётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёning кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг су сайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта»<sup>2</sup>. Янги мингийиллик бошларида фақат саноат, илм-фен, мудофаа, таълим ва тиббиётни модернизациялашни амалга ошириш республикамиз маданийлашган мамлакат тизимининг меъёрий унсурига айланшини белгилайди<sup>3</sup>.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни соғломлаштириш, барқарор ва динамик иқтисодий ривожланиш пастдан – биз-

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка қенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Мажхамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Ҳалқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

<sup>3</sup> Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012-2020 гг. // Проект ПРООН «Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий». –С. 30.

нес ва минтақалардан бошланиши лозим. Миллий ҳукуматнинг вазифаси узок муддатли устуворликларни (бу 40 йил олдин бўлиши мумкин эди, аммо ҳозирги глобал ва динамик ўзгараётган дунёда амалда мумкин бўлмади) мустақил белгилаш ва амалга оширишдан эмас, балки хусусий бизнесда бўлган имкониятларни рўёбга чиқариш ва ресурсларни ҳаракатлантириш учун шароит яратишдан иборат.

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, глобал бозорга муваффақиятли интеграциялашув кўпинча миллий давлатлар даражасида эмас, балки алоҳида минтақалар даражасида юз беради ёки бу жараён минтақавий даражадан бошланади. Инсоннинг биосфера вазифаси ҳақидаги қоида, инсоният томонидан ўзининг табиатга муносабатини ўзгартириш зарурлигининг англаниши модернизациялаш стратегиясининг марказий ўрнини эгаллаши лозимdir.

Биосферанинг барқарорлиги жамиятнинг эгоцентризмни қанчалик бартараф қилиши, ўз йўлини табиатнинг ривожланиш қонунлари билан келишириши мумкинлиги билан белгиланади. Агар регресснинг антропоген омиллари ривожланиш қонунларидан устунлик қиласа, бу нафақат цивилизация, бал-

ки барча жонли организмларга ҳалокат хавфини солади. Кишилар биосферага ундан қанча олинса, шунча берган ҳолда ижодий муносабатга ўтишлари керак, акс ҳолда унинг ҳам, инсониятнинг ҳам ҳалокати муқаррардир.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсишдан концептуал фарқларидан бири инсон ҳамда инсон ресурсларининг ўрни ва ролини аниқлашда кўринади. Иқтисодий ўсиш механизми инсон меҳнатини капитал билан бир қаторда, ўзгармайдиган омиллардан бири сифатида ўз ичига олади. Иқтисодий ривожланиш жараёнида инсон омили доимо ўзгариб боради ва асосийси бўлиб қолаверади.

Ижтимоий ривожланишда тизимлар ва мезонлар поғоналарида пировард мақсад бўлиб инсон чиқади, ижтимоий тизимлар хулқ-атвори моделларини ишлаб чиқиш унинг эволюцияси мақсадларига бўйсундирилган. Буларнинг ҳаммаси инсон ва табиатнинг уйғунлашган иттифоқи жамиятда барча хўжалик тизимларининг барқарор ривожланиши учун асос ҳисобланиши ҳақида хулоса қилиш имкониятини беради.

### **Адабиётлар:**

- Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркиби ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

2. Григорьева О.В. Глобализация, модернизация национальной экономики и развитие малого предпринимательства. // Гуманитарный вестник МГТУ им. Н.Э.Баумана. М., 2013, вып. №6. –С. 3.
3. Портер М. Конкуренция. – М.: «Вильямс», 2005. –С. 342.
4. Қобулов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси IV академияси, 2013.
5. Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012-2020 гг. // Проект ПРООН «Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий». –С. 30.